

ГЕОДЕЗИК ПУНКТЛАРИНИ РАҚАМЛАШТИРИШ ВА ОБЪЕКТЛАРНИ МАЗКУР ПУНКТЛАРГА БОҒЛАШ

Абдурахмонов С.Н., Хакимов Б.Б., Геодезия ва картография (Геоинформатика)
йўналиши 2 босқич магистранти.

Ер юзасини ўрганиш, ўзлаштириш ҳамда ер юзасини инженерлик иншоотларини барпо қилиш билан шуғулланадиган барча мутахассислар учун топографик карта кўз бўлиб хизмат қилса давлат геодезик пунктлари таянч асоси сифатида юритилади.

Жойда ўрни узоқ вақт сақланадиган қилиб маҳсус қурилма ёки мустаҳкам қозиқ билан белгиланган ва планли координатаси ёки абсолют баландлиги аниқланган нуқтага геодезик таянч пункт дейилади.

Бундай нуқталар йигиндиси геодезик таянч шахобчаларни ташкил этади. Планли координатаси маълум бўлган таянч пунктга, планли таянч пункт, абсолют баландлиги маълум бўлган таянч пунктга эса баландлик таянч пункт дейилади. Шунга яраша геодезик таянч шахобчаларга бўлинади.

Геодезик таянч шахобчалари, давлат геодезик таянч шахобчалари, махаллий геодезик таянч шахобчалари ва план олиш таянч шахобчаларига бўлинади. Давлат геодезик таянч шахобчалари маҳсус программа асосида барпо қилинади ва барча масштабдаги планларни олишда таянч бўлиб хизмат қилади.

Мамлакатимиз халқ хўжалиги ва мудофасига турли илмий ва техникага доир масалаларни ечишда хам давлат геодезик таянч шахобчаларига асосланади.

Бугунги кунда давлат геодезик пунктларининг аксарият қисимлари носоз холга келиб қолганини аянч билан таъкидлаб ўтишимиз жоиздир (1-расм).

1-расмда келтирилган холатни кўрадиган бўлсак, республикамизнинг чека жойларида давлат геодезик пунктлари носоз таъминалаб бўлиб қолганлиги сабабли инженерлик геодезияси масалаларини ечишда ва жойларда геодезик ишларни боғлашда носоз холга келиб қолган пунктлар бирқанча ноқулайликлар келтириб чиқармоқда. Шу сабабли давлат геодезик пунктларини рақамлаштириш ва яратилаётган объектларни рақамли пунктларга боғлаш масалаларини кўриб чиқамиз.



(2-расм)




(1-расм)

Иш бошида носоз холга келиб қолган давлат геодезик пунктларининг координаталарини замонавий асбоблар ёрдамида аниқлаб олиш керак бўлади. Бунинг учун 2-расмда келтирилган холатдаги носоз пункт устига 2 частотали, юкорилиги аниқ булган навигатор ўта юкори аниқлик билан ўрнатилади. Ўрнатилган навигатор сунъий йўлдошларлар билан боғланиш имконияти кўриб чиқилади ва тегишли бўлган жойнинг координаталарини

аниқлаш жараёни бошланади. Навигатор мазкур ўрнатилган пунктда жойга қараб 3 соатдан 8 соат оралигиде давом этади (3-расм). Съёмка ишлари тугагач, камерал шароитда олинган қийматлар бўйича хисоб-китоб ишлари олиб борилади. Хисоб-китоб натижалариги кўра маҳсус дастурий таъминот ёрдамида давлат геодезик пунктини рақамлаштириш жараёни олиб борилади. Пунктнинг координаталарига кўра дасрурий таъминотда тегишли қатламлар яратилиб олинади ва дасурнинг ишчи ойнаси орқали натижадаги координаталар добавит қилинади. Координаталар добавит қилингач пунктнинг рақамли холати автоматик тарзда координатага асосланган холда барпо қилинади. Барпо қилинган давлат геодезик пункти маҳсус рақамлар билан штихланади ва ишчи холатга келтирилади.

Яратилган рақамли давлат геодезик пунктига яратилаётган обьектларни гео боғлаш жараёнини кўриб чиқамиз. Дала шароитида яратилаётган обьектнинг майдонига қараб ўтака обектдан 45-50 метр атрофида навигатор ўрнатилиб вақтинчалик база яратилади ва обьектни вақтинчалик пунктга боғлаш ишлари олиб борилади. Иш якунлангач съёмка қийматларига тузатмалар киритилади ва вақтинчалик олинган пункт дастурий таъминотда барпо қилингигин давлат геодезик пунктига боғланади ва шу тариқа обьектларни рақамли пунктларга боғлаш ишлари олиб борилади.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, хозирда республикамиз худудидаги давлат геодезик пунктларининг аксарият қимси носоз холдалиги сабабли иш жараёни хамда сифатига бир қанча салбий таъсир кўрсатмоқда. Бундан ташқари таъмир талаб бўлиб қолган давлат геодезик пунктларини таъмирлаш учун маблағ талаб қилинади, агарда барча давлат геодезик пунктлари рақамлаштирилса юкоридаги келтириб утилган салбий оқибатлар ноқулайлигига бархам берган бўйлар эдик.



(3-расм)

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Практикум по геодезии. (В.В.Баканова, Я.Я.Карклип, Г.К.Павлова, М.С.Черемисин: Учебное пособие для вузов) М., Недра, 1983, 456 с.
2. Географик ахборот тизимлари фанидан дарслик.